



## SOME ASPECTS OF THE EFFECTIVE USE OF GENERAL PREVENTION MEASURES FOR OFFENSES IN THE EARLY PREVENTION OF CYBERCRIMES

*Sh. S. Qasimov*

*Lieutenant Colonel, Independent Researcher*

*Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Cybercrimes, prevention of offenses, cybersecurity, general prevention, e-government, internet networks, legislation, information security, Digital Uzbekistan, legal awareness, interagency cooperation, Mobile ID, submission, international experience, technological infrastructure.

**Received:** 21.03.25

**Accepted:** 23.03.25

**Published:** 25.03.25

**Abstract:** This article examines certain aspects of the effective use of general prevention measures for offenses in the early prevention of cybercrimes in the Republic of Uzbekistan. It also analyzes the types of offense prevention established by legislation, particularly general prevention measures, emphasizing the importance of methods such as enhancing public awareness of cybersecurity, interagency cooperation, and the use of modern technologies. The article provides recommendations for identifying and eliminating the causes of cybercrimes and the conditions enabling them, as well as for implementing preventive measures.

## КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТАДБИРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

*Ш. С. Қосимов*

*Подполковник, мустақил изланувчи*

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Кибержиноятлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, киберхавфсизлик, умумий профилактика, электрон ҳуқумат, интернет тармоқлари, қонунчилик, ахборот хавфсизлиги, рақамли Ўзбекистон, ҳуқуқий тарғибот, идоралараро ҳамкорлик, Mobile ID,

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида кибержиноятларни барвақт олдини олиш масаласида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тадбирларидан самарали фойдаланишнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қонунчиликда

тақдимнома, халқаро тажриба, технологик инфратузилма.

белгиланган турлари, хусусан умумий профилактика чора-тадбирлари таҳлил қилиниб, аҳолининг киберхавфсизлик билимларини ошириш, идоралараро ҳамкорлик ва замонавий технологиялардан фойдаланиш каби усулларнинг аҳамияти таъкидланади. Мақолада кибержиноятлар сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда профилактик тадбирларни жорий этиш бўйича таклифлар келтирилади.

## НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕР ОБЩЕЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В ВОПРОСЕ РАННЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

**Ш. С. Касимов**

*Подполковник, независимый исследователь*

*Научно-исследовательский институт криминологии Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Киберпреступления, профилактика правонарушений, кибербезопасность, общая профилактика, электронное правительство, интернет-сети, законодательство, информационная безопасность, цифровой Узбекистан, правовая пропаганда, межведомственное сотрудничество, мобильный идентификатор (Mobile ID), представление, международный опыт, технологическая инфраструктура.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются некоторые аспекты эффективного использования мер общей профилактики правонарушений в вопросе раннего предупреждения киберпреступлений в Республике Узбекистан. Также анализируются виды профилактики правонарушений, установленные законодательством, в частности меры общей профилактики, подчеркивается значение таких методов, как повышение знаний населения в области кибербезопасности, межведомственное сотрудничество и использование современных технологий. В статье приводятся предложения по выявлению и устранению причин киберпреступлений и условий, способствующих им, а также по внедрению профилактических мер.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган биринчи устувор йўналишининг тўққизинчи бандида интернет тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб бу соҳа жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, мазкур мақсадни амалга ошириш учун “Электрон ҳуқуқат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиб

бюрократияни бартараф этиш, давлат хизматларини мобил иловалар орқали бошқаришни кенгайтириш, давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлайдиган рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш каби вазифалар юклатилди.

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларимизни узоғини яқин қилишга, яшаш шароитларини замонавий шаклда ўзгартиришга қаратилган соғлом интернет-муҳитга эга ахборотлашган жамиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эса ўз навбатида фуқароларимизни кибержиноятларни қурбони бўлишларини олдини олишга, улардан ҳимоя қилишга, киберҳужумларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ҳамда бу жараёнда замонавий шакл ва усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатади.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш масаласида қонунчиликда белгилаб берилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турлари ва уларнинг чора-тадбирларидан самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги турлари белгилаб берилган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

**Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси** - Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Шундай қилиб, *умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда*, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.

*Қонун билан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:*

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Таъкидлаш лозимки, давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш юзасидан ваколатли давлат органларининг ҳар бирининг амалга ошириши лозим бўлган алоҳида вазифалар белгилаб берилди. Дастурларда белгиланган тадбирлар ижроси таъминланиши ва бу жараёнда барча ваколатли органларнинг иштирок этиши ўз ўзидан ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олинишига йўналтирилган.

Хусусан, кибержиноятларга қарши курашишда ҳуқуқий асос яратиш мақсадида бир қатор қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли қонуни қабул қилиниб киберхавфсизликни таъминлаш, ахборот тизимларига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш ва кибержиноятларга қарши чораларни кучайтириш белгиланди. Бу қонун давлат сиёсатини киберхавфсизлик стандартларига мослаштиришда муҳим қадам бўлди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда киберхавфсизликка алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастури доирасида киберхавфсизлик инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва кибержиноятларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Булардан ташқари кибержиноятларга қарши курашишда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Киберхавфсизлик бошқармаси” фаолияти муҳим ўрин тутди. Ушбу бошқарма киберхужумларни аниқлаш, жавобгарликни муқаррарлигини принципини таъминлаш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш билан шуғулланади. Ушбу бошқарма томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда киберхавфсизлик стандартларини жорий этиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кибержиноятларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қонунчиликни мустаҳкамлаш, технологик инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг киберхавфсизлик билимларини ошириш ва халқаро ҳамкорликка асосланади. Бу тадбирлар натижасида

киберхавфсизлик даражасини ошириш ва кибержиноятлар сонини камайтиришга эришиш кўзланмоқда. Шу билан бирга, ушбу жараён доимий мониторинг ва янги таҳдидларга тезкор жавоб беришни талаб қилади.

Кибержиноятларни олдини олиш ҳамда ушбу жиноятларни жабрланувчисига айланиб қолмаслик мақсадида аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ваколатли органлар томонидан меҳнат, нафақадаги шахслар, ёшлар ва вояга етмаганлар каби жамоаларда шунингдек уюшмаган аҳоли ўртасида интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушуниришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш катта самара беради. Ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида турли вазифалар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, XXI асрда мафкуравий кураш усул ва воситалари илгариги қабул қилинган қонун-қоидалардан тубдан фарқ қилади. Чунки олдин кенг жамоатчилик анъанавий равишда оммавий ахборот воситалари (телевидения, газета, радио) орқали таъсир қилинган бўлса, ҳозирги кунда фуқаролар зарурий ахборотларни олишда интернет тармоқларидан фойдаланишади. Яъни, жамиятнинг бу қатлами учун оммавий ахборот воситаларига нисбатан асосий ахборот мухути интернет тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун компьютер мутахасислари, кенг аудиторияга эга ҳамда кўп кузатувчилари мавжуд блогерлар ва тармоқда (Facebook, Instagram, Tik tok, Telegram ва ҳ.к) ўз саҳифаларига эга бўлган шахслар билан интернет тармоқлари орқали профилактик-огоҳлантирув ишларини кўпроқ олиб бориш юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилса кўпроқ самара беради.

Булардан ташқари, фуқароларда интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахсларни ҳам кенг жалб қилиш, улар ўртасида республика даражасида челлиндж ўтказиб энг яхши профилактик чиқиш қилганларни мукофотлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда киберхавфсизлик юзасидан адабийча фикрлаш ва илмий атамалардан қочиб фуқаролар онгига оддий ва содда усулда, инсон онгига тез таъсир ўтказувчи воситалардан фойдаланган ҳолда етказилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш кейинги содир этилиши мумкин бўлган оғирроқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши буйича иш юритишда жиноят сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт бўлиб, бу жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлигини жиддий тарзда ошириш воситаси ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 297-моддаси талабларига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритилиши ҳамда тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилиши белгиланган.

Шу ўринда мазкур қонун талабидан келиб чиқиб кибержиноятлар юзасидан чиқарилган тақдимнома ижросини таъминлашга маъсул бўлган шахс кенг жамоатчилик ўртасида ушбу тақдимномани муҳокама қилиш жараёнида жиноят ишини тергов қилган мансабдор шахсни иштирокини таъминласа кўпроқ натижадорликка эришилади.

Шунингдек, содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2021 йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 565-сон Қарори тасдиқланган.

Бунга кўра маъсул шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилган.

Ушбу қарор билан жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш тартиби, жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш тартиби, жиноятларнинг тури ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб муҳокамада иштирок этиши шарт бўлган давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати, содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги

ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган ва унинг вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки мазкур тақдимномалар ҳар чоракда умумлашган тарзда ўрганилиб кибержиноятларни янги таҳдидлари аниқланиб, бартараф этиш чоралари бўйича тегишли мутасадди ташкилотларга таклифлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда банк пластик карта иловалари ўртасида кўпроқ фуқаролар жабр кўриб пуллари талон-тарож бўлаётган иловаларни рейтинги тузилиб энг паст баҳодаги иловалар аниқланиб техник шартларини кучайтириш юзасидан таклифлар берилса ҳам мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини камайишига эришилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кибержиноятларни барвақт олдини олишда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тадбирлари замонавий жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Технологик инфратузилмани мустаҳкамлаш, аҳолининг киберхавфсизлик билимларини ошириш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш каби жиҳатлар профилактиканинг самарадорлигини таъминлайди. Шу билан бирга, халқаро тажрибадан фойдаланиш ва манзилли ёндашувни қўллаш киберхавфларга қарши курашишда узоқ муддатли натижаларга эришиш имконини беради. Ушбу тадбирлар тизимли ва доимий амалга оширилганда, нафақат кибержиноятлар сони камаяди, балки жамиятда хавфсиз рақамли муҳит ва қонунга итоаткорлик маданияти шаклланади. Шундай қилиб, умумий профилактика киберхавфсизликнинг барқарорлигини таъминлашда асосий омил сифатида ўз ўрнини сақлаб қолади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент “Ўзбекистон”.-2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. А.У.Анорбоев. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари; монография, тошкент 2020 й
4. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. <https://lex.uz/docs/2387357>
6. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
7. <https://lex.uz/docs/5030957>
8. <https://lex.uz/docs/5623688>
9. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) 2012 йил 24 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – // URL: <http://www.lex.uz>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони // URL: <http://www.lex.uz>